# «ДЕВОН» ТАМҒАСИ БИЛАН

## тайёрланаётган мармар маҳсулотлари республикамизда бунёд этилаётган бинолар, ўқув юртлари ва сиҳатгоҳларга ўзгача чирой бахш этмоқда

Бўстонлиқ туманидаги «Олтин олма» дам олиш мажмуи бетакрор ҳашаматли бинолари, ўзининг меъморий ечимлари билангина эмас, айни вақтда кўримлилиги, жозибадорлиги билан ҳам атрофдаги бошқа иморатлардан ажралиб туради.

Ишлатилган мармар тахтачалари ҳам шунга хизмат қилади. Улар саккиз тусда товланиб, бинонинг қайси бир қисмида ишлатилишидан қатъи назар, ҳамма жойда ўзига хос гўзаллик бахш этган. Бу сержило мармар тахтачаларидан Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги академияси бинолари қурилишида ҳам фойдаланилган. Бундан ташқари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг маданият саройи, ишлаб чиқариш цехлари, профилакторийси қурилишида ва шундай иншоотларни қайта таъмирлашда ҳам улар кенг қўлланиляпти. «Девон» шўъба корхонаси ишчилари қўли билан тайёрланаётган бундай қимматли қурилиш ашёлари — турли хил рангдаги мармар тахтачалари вилоятимизда барпо этилаётган ва қайта таъмирланаётган коллежлар ва академик лицейларни пардозлашда ҳам ишлатилмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти ҳузурида ташкил этилган бу ишлаб чиқариш бўлинмасининг бинолар кўркини очадиган мармар маҳсулотлари ички бозорда мустаҳкам ўрин олган. Корхона жамоаси барча буюртмаларни вақтида ва сифатли бажариш билан мижозларнинг ишончини қозонаяпти. Корхона жамоаси ўтган йили ишлаб чиқарган пардоз маҳсулотлари ҳажми 444,9 миллион сўмликка етди. Ҳозир корхонада юз нафар киши ишлаяпти. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 92 минг сўмни ташкил этаяпти. Корхона ихтиёридаги асосий ишлаб чиқариш воситалари сал кам бир ярим миллиард сўмликка етди. Улар асосан чет эллардан келтирилган замонавий асбоб-ускуналардир.



Италиянинг «Techno-Granid» фирмаси илғор технологияси ёрдамида экологик соф ва чидамли бу қурилиш ашёсининг харсанглари тез ва сифатли қазиб олинмоқда. Кесишда эса, «Tema Frugoli» фирмаси технологияси ишлатиляпти. У ҳар ойда 5 минг квадрат метргача мармар плиталарини ишлаб чиқариш қувватига эга. Жамоа асосан қалинлиги 15, кенглиги 300, узунлиги 200 дан 600 миллиметргача бўлган ҳажмдаги мармар плиталарни ишлаб чиқармоқда. Буюртмачиларнинг истаги бўйича бошқа ўлчамларда ҳам маҳсулот тайёрлаб бериш мумкин.

Самарали меҳнат туфайли ўтган йили деярли 600 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Даромад ва фойда олишнинг йил сайин кўпайиб бориши турли тўловлар, кредитлар ва уларнинг устамаларини ўз вақтида тўлаш имконини бермоқда. Ўтган йил давомида давлат бюджетига 228,4 миллион сўм маблағ ўтказилди. Корхона жамоаси фақат мармар ишлаб чиқариш линияси учун Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг кафолати билан республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан сал кам 2 миллион 240 минг евро миқдорида кредит олган эди. Ҳозиргача бу қарз буткул тўлаб бўлинди.

Давр талабига монанд қадам ташлаб бораётган корхонанинг кейинги одимлари ҳам дадил бўлишига шубҳа йўқ.

**Собир ҲАМИДОВ.**

# АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида "Амир Темур — буюк саркарда ва давлат арбоби" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.***

Соҳибқирон таваллудининг 668 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари, Тошкент горнизони ҳарбий қисм ва муассасалари ҳарбий хизматчилари, ёшлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолиятини холисона ўрганиш, бунёдкорлик ишларини тарғиб ва ташвиқ этишга катта аҳамият берилаётганини алоҳида таъкидладилар. Аҳолини, айниқса ёшларни Амир Темур ўгитлари, мустақиллик, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини қадрлаш ва уни ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МУЯССАРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

***Бекобод шаҳрида миллий ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳунарманд Муяссар Холматова ҳам шу соҳада меҳнат қилаяпти.***



У барпо этган кичик корхонада қатор кенг истеъмол буюмлари, чунончи, турли миллий кийимлар, каштачилик, попопчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Асосан ёшлар қўлидан чиқаётган бу буюмлар маҳаллий бозорларда сотилаяпти. Улар чет элларда ишлаб чиқарилган ўн иккита дастгоҳни бошқариб, фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар.

Кичик жамоанинг меҳнати натижалари салмоқли бўлаяпти. Биргина ўтган йили буюртмачиларга етказиб берилган тикувчилик-тўқимачилик буюмлари ҳажми деярли 5 миллион сўмликни ташкил этди. Айни вақтда 540 минг сўм соф фойда олинган. М. Холматова хайрли ишларда ҳам фаол иштирок этади. Жумладан, ҳар йили умумхалқ байрамларида «Ўзбекистон» маҳалласи аҳолиси учун ўз шахсий маблағи ҳисобидан байрам тадбирини ўтказишга моддий ёрдам бермоқда. Пахта йиғим-терими пайтида илғор пахтакор ва ҳашарчиларни рағбатлантириш учун сармоя ажратади.



Тадбиркор ҳамиша ўз корхонасини кенгайтириш, ишлар салмоғини ошириш ҳақида ўйлайди. Хусусан, дастгоҳлар сонини ва ишчи ўринларини кўпайтириш юзасидан янги режа тузиб, уни амалга оширишга киришаяпти.

***СУРАТЛАРДА:** Муяссар Холматова шогирди Хуршида Исмоиловага трикотаж тўқиш сирларини ўргатмоқда; тикувчилардан Юлдуз Абдуқодирова (чапдан), Нигора Маҳкамова ва Дилноза Холматовалар иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

***Республика таълим марказида "Абдулла Қодирий ва ўзбек адабиёти" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Адиб таваллудининг 110 йиллигига бағишланган бу тадбирда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.***

# Абдулла Қодирий ва ўзбек адабиёти

Анжуманда йигирманчи аср ўзбек адабиётининг улкан намояндаси бўлган беназир адиб истиқлол туфайли ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топгани таъкидланди. Унинг асарлари миллат тақдири, бирлиги, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат ғоялари билан йўғрилган. Адибнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" каби романлари, "Обид кетмон", "Тошпўлат тажанг нима дейдир?" каби қисса ва ҳикояларида халқимизнинг муайян тарихий вазиятдаги турмуши, урф-одатлари, руҳий-маънавий олами ўз аксини топган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Пскент тумани кенгаши ташаббуси билан «Истеъдод — 2004» иқтидорлилар танлови ўтказилди.***

Унда тумандаги ташкилот ва муассасаларда ишловчи ёш йигит-қизлар қатнашдилар. Танлов шартларидан куй-қўшиқ, ҳунармандчилик, спорт мусобақалари каби ўн тур бўйича якка ҳамда жамоа тартибида иқтидор эгалари аниқланди.

Жумладан, қўшиқ ижро этишда туман алоқа-почта бўлими ходими Элёр Қосимов, қизиқчилик, саҳна кўринишларида маҳоратли ижроси билан Сабоҳат Исомова, туман халқ таълими бўлими ходимаси Ёрқиной Мўминова, наққошлик санъати бўйича эса, Шерзод Зокиров истеъдоди ижобий баҳоланди. Жамоа таркибидаги «Назира» ҳамда «Муштарий» тикувчилик корхоналари гуруҳлари ҳам ўз эпчилликларини намойиш қилишди.

Барча қатнашчиларга ёшлар ҳаракатининг эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Лейли РАЖАПОВА.**

# «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси — 2004»

## • Ангрен

***Шаҳардаги 17-мактабда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.***

Унда қатнашган 11 нафар мураббийнинг ҳар бири «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ўз фаолиятида нечоғли изланишлар олиб бораётганини намойиш этди. Танлов натижаларига кўра, таълимдаги ислоҳот натижаларидан ўз фаолиятида унумли фойдаланаётган, шаҳардаги 18-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Галина Сотникова ғолиб чиқди. Энди у танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

## • Оҳангарон

***Туманда "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловининг туман босқичи якунланди. Унда 7-мактабнинг физика-математика фани ўқитувчиси Ирода Отақўзиева мутлақ ғолибликни қўлга киритди ва кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.***

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ олиб борилаётган тадбирларимиз самараси ўлароқ сафимизга кўплаб ёш, иқтидорли педагоглар қўшилмоқда. Шу боисдан ҳам бугун мавжуд 53 мактабда кадрлар тақчиллиги деярли сезилмаяпти, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдуқаҳҳор Эрназаров. – Илғор педагог кадрларни ҳар томонлама рағбатлантириб бориш, касб малакасини ошириш, тўплаётган тажрибаларини оммалаштиришда кўрик-танловнинг ўрни беқиёс бўлмоқда.

Туман мактабларида 1 минг 528 нафар ўқитувчи ишлайди. Уларнинг юздан ортиғи кейинги уч йил мобайнида ишга келган.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳуқуқий маслаҳатхона

# СУД ИЖРОЧИСИ

## У қандай ишларни амалга оширади?

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 январдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори чиққанига ҳам бир йилдан ошди.***

Мазкур Низом «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартибини белгилайди. Ушбу Низомнинг 14-бандида Суд ижрочиси суднинг ёки бошқа ваколатли органларнинг ижро ҳужжатини бажариш учун қабул қилиб олишга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ унга бу ҳужжат келиб тушгандан бошлаб уч кундан кечикмай, ижро иши қўзғатишга мажбурдир. Шунингдек, ижрочи ўзида сақланаётган мол-мулк рўйхатини тузади ва ушбу мол-мулк шу пайтдан бошлаб унинг ихтиёрига ўтади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини тегишли Суд ижрочилари бўлинмасига юборилаётганда унга олиб қўйиш тўғрисидаги протокол, мулкнинг белгиланган стандартларга мувофиқлиги тўғрисида эксперт хулосаси, мутахассиснинг мол-мулк баҳоланганлиги тўғрисидаги хулосаси нусхалари ҳамда ижрони юритиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган мулк Суд ижрочилар бўлинмаси билан шартнома тузган савдо ташкилотлари орқали сотилади ва савдо ташкилоти сотувдан тушган пулнинг 10 фоиз савдо чегирмасини ушлаб, қолган пулни Суд ижрочилар бўлинмасининг ҳисобига ўтказади. Шундан сўнг бу пул маблағларининг 80 фоизи тегишли маҳаллий бюджетга, 10 фоизи мол-мулкни давлат даромадига олиб қўйган органнинг махсус ҳисоб рақамига, 10 фоизи эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Ижро ишларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Янгийўл шаҳар Суд ижрочилари бўлинмасига ҳам 2003 йил мобайнида 300 дан ошиқ ҳуқуқбузарлардан далилий ашё сифатида олиб қўйилган ва давлат фойдасига мусодара қилиниши лозим бўлган ижро ҳужжатлари келиб тушган.

Ушбу ҳужжатлар бўйича жами 37 миллион сўмлик мол-мулк сотилиб, маҳаллий бюджетга 27 миллион сўмдан ошиқ пул ўтказилган.

2004 йил январь-февраль ойининг ўзида жами 8 миллион сўмлик турли мол-мулк сотилиб, суд ижрочилари томонидан маҳаллий ғазнага 6 миллион сўмдан ошиқ пул тушириб берилди.

Мусодара қилинган мол-мулк Суд ижрочилар бўлинмаси билан шартнома тузган «Янгийўл шаҳар савдо» МЧЖ, «Савдогар» СХК ва «Омадли» ХИЧБ корхоналари орқали сотилмоқда.

Ҳуқуқбузарлардан далилий ашё сифатида олинган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқлилик тўғрисида мутахассиснинг хулосаси олинганидан сўнг савдога қўйилмоқда. Истеъмолга яроқсизлари қонунда кўрсатилган тартиб бўйича йўқ қилинмоқда. Бундай ишларни ижобий амалга оширсак, халқимиз дастурхонига сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар кириб боришига чек қўйилади.

**Дилмурод НИШОНБОЕВ,**
**Янгийўл шаҳар Суд ижрочилар бўлинмаси катта суд ижрочиси.**

Мулоҳаза

# ИККИ ТОМОН ҲАМ МАСЪУЛ

***Қишлоқдаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришнинг асосий омилларидан бири фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдир. Замонавий фермер хўжаликлари келажакда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий куч бўлиб қолади. Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам бериш, айниқса, уларга сервис хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш давр талабидир.***



Шундай экан, жойларда фермер хўжаликларига қай даражада сервис хизмати кўрсатилмоқда? Умуман, улар билан тузилган шартномалар қандай ижро этилмоқда?

Бу саволга жавоб топиш мақсадида Тошкент туманидаги хўжаликларда бўлиб, сабзавот етиштирувчи, чорвачилик билан шуғулланувчи фермерлар билан суҳбатлашдик.

— Биз олти ака-укамиз, — дейди «Аброрхўжа» фермер хўжалигининг раҳбари Акмалхўжа. — Ҳаммамиз ўн гектар майдонда биргаликда деҳқончилик қиламиз. Сабзавот етиштирамиз, гул ўстирамиз. Очиғи, сервис хизматидан қониқмаяпмиз. Ҳозирча муаммоларни ўзимиз ҳал қилиб, мавжуд техника воситаларидан фойдаланиб, эҳтиёжимизни қондириб келяпмиз.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалигида 25 йил бригадага бошчилик қилиб, деҳқончиликда, одамлар билан муомалада катта тажриба орттирган, 1994 йилдан буён эса фермерликни ихтиёр этган Тўхтамурод Раҳматов ўз дардини тўкиб солди:

— Бизнинг мақсадимиз, сифатли, тўйимли, шу билан бирга таннархи арзон маҳсулот етиштиришдир. Лекин бунга эришишимиз қийин бўляпти. Чунки бизга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар туман марказида ёки турли манзилларда жойлашган. Масалан, кимё хизматидан фойдаланиш учун Чинозга боришимиз керак. Табиийки, улар харажатнинг бир қисмини маҳсулот устига қўйишиб, бизга сотишади. Юқорида айтганимдек, биз ҳам бу маҳсулотларни олиб келиш учун ортиқча сарф-харажатлар қиламиз. Қани энди, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фермерларга яқин бўлса, биз сарсонгарчиликдан қутулардик.

Биз туман фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Абдуфаттоҳ Азизов билан учрашиб, бу мулоҳазаларни айтдик.

— Ҳақ гап, — деди у, сўнг дафтарини варақлаб, ундаги айрим рақамларга кўз ташлай бошлади.

— Мана қаранг, — деди у, — бугунги кунда тумандаги ўнга яқин фермер бир гектар ерда, 15 га яқин фермер эса 2 гектар ерда, қолганлари 3-4 гектар ерда фаолият кўрсатаяпти. Бу албатта кам. Шунинг учун уларга хизмат кўрсатишда бир қатор мураккабликлар ҳам юзага келмоқда.

Айни кунларда туманда фермерларни танлаш, саралаш ишлари давом этаяпти. Бунинг учун фермерлар эришаётган кўрсаткичлар вақти-вақти билан таҳлил этиб борилади. Энг яхши натижага эришганларнинг тажрибаси ўрганилади, оммалаштирилади, яхши натижага эришмаётган фермерлар ўз-ўзидан четга чиқиб қолади. Унинг ери бошқа ишбилармон фермерга олиб берилади.

Йириклашган фермерлар билан шартномалар тузиш, унинг ижросини таъминлаш, ўз-ўзидан сервис хизматларини кўрсатиш имконияти кенгаяди. Шу ўринда яна бир масалага эътиборни қаратиш зарур бўлади. Маълумки, ширкат хўжалигида бир гектар майдонда 10-15 киши ишлайверарди. Меҳнат куни қанчалигига қараб ҳақ оларди. Фермерчиликда эса бир гектар ерда икки-уч киши қойилмақом қилиб ишлайди.

Демак, ерлар фермерларга расамади билан тақсимлаб берилгач, ортиқча ишчи кучи пайдо бўлади. Уларнинг тақдири...

— Энг оғриқ нуқта ҳам шунда, — дейди Абдуфаттоҳ ака. — Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳудудда кичик-кичик, харидоргир маҳсулотлар етиштирадиган корхоналарни ташкил этиб, деҳқончиликдан қўли бўшаб қолганларни жалб этиш зарур, деган гаплар қайта-қайта айтилаяпти, бунга амал қилиш керак. Ҳозир туманда бу борада ҳам ишлар бормоқда.

— Эндиликда фермерлар ким билан шартнома тузишади?

— Бу соҳада ҳам янгилик бор. Ер тизимидан фойдаланиш ҳокимлик ихтиёрига ўтказилди. Эндиликда ҳар бир фермер бу ердан қачонгача, қандай қилиб фойдаланиш тўғрисида ҳокимлик билан шартнома тузади. Табиийки, бу ҳол уларнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ҳокимлик қошидаги комиссия фермерлар фаолиятини таҳлил қилиб туради. Юзхотирчиликка борилмайди. Шартнома шартларини бажара олмайдиган, ернинг қадрига етмайдиган фермерлар ердан маҳрум қилинади. Ердан ажралиб қолиш эса фермер учун оғир масала. Демак, фермернинг астойдил ҳаракат қилиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор. Бу қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишда ҳам устуворлик касб этмоқда. Буни фермер хўжаликлари ривожи, фаолияти ва муаммоларида ҳам кўриш мумкин. Юқоридаги ҳолатлар: фермерларга шароит яратиш, сервис хизматини йўлга қўйиш, ердан самарали фойдаланиш, шартномаларга амал қилиш, уни бажариш ҳам ана шу қонуниятларнинг асосий бўлагидир. Бундан чиқадиган хулоса шуки, уларга ҳар бир томон бирдек масъулият билан амал қилиши зарур. Ана шундагина биз кўзланган манзил ва мақсадга тезроқ етамиз.

**Носир РИХСИЕВ.**

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




***«110-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.***

***У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикси олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга».***

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўради. Биринчи инстанция сифатида ишларни кўриш Олий суднинг таркибида бўлган учта судьялар томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимиятининг олий органи таркиби унинг раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати; Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати; Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати; Ҳарбий ҳайъат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради. Пленум мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Адлия вазири қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг таклифига биноан Пленум мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалиги суди раиси; судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, илмий муассасалар ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, шунингдек тарафлар иштирок этаётган бўлса, уларнинг фикри тингланади. Протест бўйича муҳокама тугаганидан кейин яширин овоз бериш ўтказилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Протест юзасидан қарор, агар Пленум аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Ишни кўришда биринчи инстанция, кассация ёки назорат тартибида илгари қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас. Кўпчилик овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг бошқа таклифлар тушиш навбатига қараб овозга қўйилади.

Пленум аъзоси қабул қилинган қарордан норози бўлса, у ўзининг фикрини ёзма шаклда изоҳлаши мумкин ва мазкур изоҳ Пленум баённомасига илова қилинади.

Олий суд Пленумининг қарори муайян суд ишлари қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва жиноят-процессуал кодексига биноан ўрнатилган тартибда бажарилади. У Пленум мажлисида олиб борилган баённома билан биргаликда олий суд раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган саволлар Пленумнинг муҳокамасига олий Суд раиси, Бош прокурор ёки Адлия вазири томонидан киритилиши мумкин, уларнинг маърузалари бўйича эшитилади ёки тегишли ваколатга эга бўлган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Мазкур саволларни муҳокама қилишда Пленум мажлисига таклиф этилган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Пленум қарори мажлисда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Раёсат мажлиси ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Раёсат қарорлари Олий суд Пленуми чиқарган қарорларини қабул этиш тартибига ўхшаб қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Олий суднинг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанция ва назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ва Жиноят процессуал кодекслари ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартиб бўйича кўради.

Алоҳида жавобгарлик Олий суднинг юқори лавозимга эга бўлган мансабдор шахсларига юклатилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий судининг чиқарган ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

— ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

— Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб туради;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатининг умумий масалалар бўйича қабул қилган қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил этади;

— ишни бир суддан бошқа судга олиб бериш масаласини ҳал қилади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Эргаш САИТОВ,**
**Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.**

# ТОЖИБОЙ РИЗАЕВ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим моҳир ташкилотчи, деҳқончилик илмининг билимдони, Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Заркент" ширкат хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаевни орамиздан олиб кетди.

Тожибой Ризаев 1927 йилда пойтахт вилоятининг Паркент туманида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 1942 йилда Юқоричирчиқ туманида оддий деҳқончиликдан бошлади. Ер билан ишлаш, қишлоқда деҳқончилик маданиятини юксалтириш борасида тажриба орттириб, етук мутахассисга айланган Т.Ризаев узоқ йиллар давомида турли лавозимларда билим ва иқтидорини намоён этиб, самарали меҳнат қилиб келди. 1960 йилдан бошлаб, то умрининг охиригача, қарийб 44 йил мобайнида Паркент туманидаги "Заркент" хўжалиги раиси бўлиб ишлади.

Тожибой Ризаев тоғли минтақаларда мўл-кўл боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш борасида ўзига хос тажриба мактабини яратди. Ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва бой амалий тажрибасини узумчиликни ривожлантиришга бағишлаган асл деҳқоннинг саъй-ҳаракатлари билан юртимизнинг турли манзилларида кўплаб боғ ва токзорлар бунёд этилди.

Тожибой Ризаев табиатан камтар, ёшларга меҳрибон бўлиб, меҳнаткаш ўзбек деҳқонининг ёрқин сиймосини ўзида акс эттирган инсон эди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун фидойи соҳибкор "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" унвони, "Дўстлик" ордени билан тақдирланган эди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида Т.Ризаев давлатимиз ва халқимиз олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнати учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган эди.

Моҳир ташкилотчи, ажойиб раҳбар, самимий инсон Тожибой Ризаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, М.ЮСУПОВ, С.БЕГАЛИЕВ, К.ТЎЛАГАНОВ, М.ИСМАТОВ, М.РЎЗМАТОВ.**

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИДАГИ ТЎЙ

***Қибрай туманидаги «Муҳаммаджон ота» деҳқон фермер хўжалиги ҳомийлигида вилоят меҳрибонлик уйида тарбияланаётган беш нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди.***

Шунингдек, «Роҳат» интеркорхонаси, «Истиқлол» ширкат хўжалиги жамоаси ҳам болажонларни ўз совғалари билан хушнуд этишди.

**Ўз мухбиримиз.**

7 апрель – Жаҳон саломатлик куни

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН



***Саломатлик шундай бебаҳо нарсаки, уни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.***
***Киши носоғлом бўлса, ҳаёт нашидасидан баҳра ололмайди. Шу билан бирга яқинларига, жамоага ташвиш келтиради. У соғлом бўлсагина, ақлий ва жисмоний фаолиятда ижобий натижаларга эришади. Ютуқларидан биринчи навбатда оиласи, ошна-оғайнилари, қолаверса, юрт манфаат кўради.***

Шу боис ҳам сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан инсон саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, соғлом жамиятни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) томонидан 7 апрель – «Жаҳон саломатлик куни» деб белгиланган ва ҳар йили шу кунда халқ саломатлиги билан боғлиқ бўлган бирор бир мавзу шиор қилиб олинади.

Мамлакатимизда ҳар йили бу кун кўтаринки кайфиятда, турли тадбирлар билан байрамона тусда ўтказилади. 2002 йилда бу сана «Жисмоний фаоллик – саломатлик гарови!», 2003 йилда «Болалар ва атроф муҳит» шиори остида кутиб олинди.

Маълумотларга қараганда, Ер юзида ҳар куни 140 минг киши йўлларда содир бўладиган автоҳалокатларга учрайди. Шулардан 30 мингдан кўпроғи ҳаётдан кўз юмиб, 15 мингга яқини ҳаётининг охирги дамларигача ногирон бўлиб қоларкан.

Ҳар бир автоҳалокатга учраган кишининг оиласи, ўртоқлари, ҳамкасблари бор, албатта. Бу фожиа уларнинг ҳам ҳаловатини бузиши, табиий. Мана шуларни инобатга олган ҳолда бу йил ушбу кунни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ташаббуси билан «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» шиори остида нишонлаш хусусида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2004 йил 4 февралдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигига бағишланган Жаҳон саломатлик кунини ўтказиш тўғрисида»-ги буйруғи эълон қилинди. Унга биноан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Саломатлик институти ва унинг жойлардаги ҳудудий филиаллари, республика йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, халқ таълими муассасалари, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида махсус тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Бундан ташқари, республикамизнинг барча мактабларида 7 апрель куни саломатлик дарслари ўтказилади. Ушбу дарсларда ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги ва у билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда эҳтиёткорлик чоралари тўғрисида маълумотлар берилади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан эълон қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» шиори моҳиятини ҳар бир фуқаро турмушида, мактаблар ва ўқув масканларида, иш жойларида, шифохоналарда ёдда тутса, унга амал қилса, фойдадан холи бўлмас эди.

**Н.ТОШБОЕВ,**
**республика Саломатлик институти бўлим мудири.**

***СУРАТДА:*** *вилоят марказий шифохонасининг неврология бўлими мудири Лидия Чижова ва биринчи тоифали шифокор Любовь Романенколар беморни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

2004 йил Меҳр ва мурувват йили

# ҒАМХЎРЛИК

*Чирчиқдаги 14-меҳрибонлик уйида 68 нафар ногирон болалар тарбияланмоқда. Уни шаҳар меҳнаткашлари меҳр-мурувват билан қуршаб олишган. Деярли барча меҳнат жамоалари у ёки бу тарзда моддий ёрдам кўрсатишяпти.*

Ҳозирги кунларда бу муассасани тўла таъмирдан чиқариш ишлари ҳам уларнинг кўмагида амалга ошириляпти. Чунончи, «Электркимёсаноати» ва «Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамиятлари икки қаватли асосий биносини, «Чирчиққишлоқмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси эса ёрдамчи иморатларни таъмирлашмоқда. Шаҳардаги қатор бошқа катта-кичик корхоналар жамоалари ҳам шунга ўхшаш хайрли ишларда қатнашмоқдалар.

**Шокир ТЎҒОНОВ.**

# ТЎЙХОНАНИНГ БИРИНЧИ МЕҲМОНЛАРИ

*Пскентлик тадбиркор Абдусаттор Рашидов ўз маблағи ҳисобидан туман марказида тўй ва бошқа маросимлар учун мўлжалланган янги бинони бунёд этди.*

Куни кеча ушбу янги тўйхона биноси ўзининг биринчи меҳмонларини қабул қилди. Тумандаги ўнта ширкат хўжалигидан ташриф буюрган 160 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар вакиллари учун катта дастурхон ёзилди. Меҳмонларга тадбиркор томонидан совға-саломлар топширилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

## *Тошкент вилояти ҳудудида қатновчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўловчи ташиш йўналишларини 2004 йилнинг 1-ярим йиллигида очиқ тендерларда жойлаштириш*

## ЖАДВАЛИ

| № | Йўналиш № | Йўналиш номи | Тендер ўтказиш санаси |
|---|---|---|---|
| | | **Янгийўл тумани** | **май** |
| 1 | 279 й.т. | «Тинчлик ш/х — С. Раҳимов м.б.» | 04.05.2004 |
| 2 | 221 й.т. | «Янгийўл шаҳар бозори — Тинчлик ш/х» | 04.05.2004 |
| 3 | 227 й.т. | «Янгийўл шаҳар бозори — Янгийўл ш/х 3-бўлим» | 04.05.2004 |
| | | **Оққўрғон тумани** | **май** |
| 4 | 349 | «Оққўрғон – Хонқа ш/х» | 07.05.2004 |
| 5 | 351 | «Оққўрғон – 3-бўлим» | 07.05.2004 |
| 6 | 354 | «Оққўрғон – Дўстобод (Чақмоқ орқали)» | 07.05.2004 |
| 7 | 360 | «Оққўрғон – Ҳ. Олимжон ш/х» | 07.05.2004 |
| 8 | 363 | «Оққўрғон – Охунбобоев ж/х» | 07.05.2004 |
| | | **Қуйичирчиқ тумани** | **май** |
| 9 | 209 | «Дўстобод – Дўстлик ж/х» | 14.05.2004 |
| 10 | 209 й.т. | «Дўстобод – Дўстлик ж/х» | 14.05.2004 |
| 11 | 211 й.т. | «Уяли бурилиши – Хамза бўлими» | 14.05.2004 |
| 12 | 212 й.т. | «Дўстобод – Қўрғонча» | 14.05.2004 |
| 13 | 213 й.т. | «Дўстобод – Оққўрғон» | 14.05.2004 |
| 14 | 215 й.т. | «Ўзбекистон 5 йиллиги – Беруний ш/х» | 14.05.2004 |
| 15 | 217 й.т. | «9-бўлим – Янги ҳаёт» | 14.05.2004 |
| 16 | 361 | «Ўзбекистон 5 йиллиги – Беруний ш/х» | 14.05.2004 |
| | | **Ўртачирчиқ тумани** | **май** |
| 17 | 284 | «Тўйтепа – Янгийўл» | 21.05.2004 |
| 18 | 426 | «Ўртасарой – Қўйлиқ» | 21.05.2004 |
| 19 | 430 | «Ким Пен Хва – Қўйлиқ АШБ» | 21.05.2004 |
| 20 | 432 | «Тўйтепа – Ўртасарой» | 21.05.2004 |
| 21 | 435 | «Тўйтепа – Ўзбекистон ш/х» | 21.05.2004 |
| 22 | 440 | «Қорасув – Бургалик» | 21.05.2004 |
| 23 | 441 | «Қорасув – Марказий шифохона» | 21.05.2004 |
| 24 | 442 | «Тўйтепа –Кардиология» | 21.05.2004 |
| 25 | | «Гулистон – Қўйлиқ» | 21.05.2004 |
| | | **Бўка тумани** | **май** |
| 26 | 393 | «Бўка – С. Саймоқов ж/х» | 28.05.2004 |
| 27 | 395 й.т. | «Бўка – Туркистон» | 28.05.2004 |
| 28 | 402 й.т. | «Бўка – Ғ. Азаматов» | 28.05.2004 |
| 29 | 407 й.т. | «Бўка – Пскент» | 28.05.2004 |
| 30 | 410 | «Бўка – Бўка 2-чи бўлими» | 28.05.2004 |
| 31 | 413 | «Бўка – Хўжақўрғон» | 28.05.2004 |
| | | **Зангиота тумани** | **июнь** |
| 32 | 240 | «Ўзбекистон ш/х – С. Раҳимов м.б.» | 04.06.2004 |
| 33 | 241 | «Улуғбек ш/х – С. Раҳимов м.б.» | 04.06.2004 |
| 34 | 241 й.т. | «Улуғбек ш/х – С. Раҳимов м.б.» | 04.06.2004 |
| 35 | 446 й.т. | «Тошгўштшаҳарча – 16 шифохонаси (Чилонзор м.б. орқали)» | 04.06.2004 |
| | | **Чирчиқ шаҳри** | **июнь** |
| 36 | 506 | «Чирчиқ – Май қишлоғи» | 11.06.2004 |
| 37 | 530 й.т. | «Хўжақўрғон – Юнусобод универсами» | 11.06.2004 |
| | | **Чиноз тумани** | **июнь** |
| 38 | 352а | «Дўстобод – Чиноз (Гул орқали)» | 18.06.2004 |
| 39 | 580 | «Ўзбекистон ш/х – С. Раҳимов м.б.» | 18.06.2004 |
| 40 | 584 | «Чиноз – Олмазор» | 18.06.2004 |
| 41 | 588 | «Олмазор – С. Раҳимов м.б.» | 18.06.2004 |
| 42 | 590 | «Микрорайон – Пахта заводи» | 18.06.2004 |

Вилоят ичида қатновчи шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендерлар ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 19 июндаги 126-сонли қарори билан тузилган Вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин буюртма беришлари лозим.

Вилоят комиссияси таклифларни тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тендер жадвалида кўрсатилган туман, шаҳар ҳокимиятининг кичик мажлислар залида ёки «Ўзавтодарётранс» агентлигининг У. Юсупов кўчаси, 3-уй, 3-қаватидаги мажлислар залида соат 15.00да ўтказилади.

**Маълумот учун телефон:** 41-56-39.


Хусусий тадбиркор Ризаев Нодиржон Норқулович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат университети юридик факультети томонидан 1985 йилда Марина Михайловна Цифанская номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Вилоятмаишийхизмат» уюшмаси кенгашининг ижроия органи ўз иш фаолиятини
**ТУГАТДИ.**
Унга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи
**БЕКОР ҚИЛИНДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.
**Манзил:** Миробод тумани, Бешкент кўчаси, 56-уй.
**Телефон:** 90-29-58.

«NASHIDA» хусусий фирмаси ўз мақомини ўзгартирганлиги сабабли
**«NASHIDA» МЧЖ**
деб юритилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 96-17-71 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Текис Боғистон» МЧЖ таъсисчилари диққатига!
МЧЖ ўз фаолиятини
**ТУГАТАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 74-84-16 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

# ҲАЁТИНГИЗ СУҒУРТАЛАНГАНМИ?

***Мамлакатимиз суғурта бозорида хизмат кўрсатаётган компаниялар сони яна биттага кўпайди. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилишга ихтисослашган "Ozbekinvest Hayot" компаниясини таъсис этди.***

Низом жамғармаси беш юз миллион сўм бўлган ушбу муассаса аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталовчи республикамиздаги энг йирик ихтисослашган компания ҳисобланади.

– Компаниямиз ташкил этилганидан буён ўтган бир ярим ой мобайнида беш юздан зиёд юридик ва жисмоний шахс билан шартнома имзолаб, 1,5 миллиард сўмлик суғурта мажбуриятини зиммамизга олдик, – дейди компания бош директори Олимжон Икромов. – Ота-оналарга фарзандларининг таълим харажатларини қопловчи, улар балоғатга етганда ва никоҳдан ўтганда бериладиган, фуқаролар пенсияга чиққанидан сўнг нафақа пулига қўшимча тўланадиган суғурта тўловлари бўйича суғурталашни олиб боряпмиз.

Айни вақтда Швейцариянинг "Elvia" компанияси билан хорижга чиқаётган барча ўзбекистонликларга бахтсиз ҳодисалар, юклар йўқолиб қолса кўриладиган зарар, тез ёрдам ёки тиббий-транспорт ва ҳуқуқий ёрдам учун кетган ҳаражатларни тўла қоплаш бўйича суғурталаш ҳам бажарилмоқда.

**ЎзА.**

# ҚУЛАЙ КАРТОЧКАЛАР

***Жорий йилнинг апрель ойидан "Бизнес-банк" хусусий очиқ акционерлик-тижорат банки иш ҳақи бўйича лойиҳа доирасида "Express" сўмлик кредит карточкасини чиқара бошлади.***

Бундай карточкалар бўйича бериладиган кредит миқдори ҳар ойда иш ҳақининг 50 фоизини ташкил қилади. Кредит маблағларидан фойдалангани учун истеъмолчи бир йиллик даромадининг 30 фоизи миқдорида ҳақ тўлайди. Банк учун бундай карточка чиқариш текин бўлиб, йиллик хизмат кўрсатиш 18 000 сўмни ташкил этади.

Бундай карточкалар маблағларни накд пулга айлантириш учун мўлжалланмаган, улар супермаркетлар, уяли алоқа компаниялари, кийим-кечак ва атторлик буюмлари дўконларида товар ва хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш учун жуда қулай. Бу ерларда мазкур банк терминаллари ўрнатилган. Вақт ўтиши билан бундай шахобчалар рўйхати янада тўлдирилади.

**ЎзА.**

## Спорт хабарлари

### СУЗИШ:



Андижонда ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича Ўзбекистон қишки очиқ биринчилиги якунланди. Унда Фарғона, Андижон, Сирдарё, Хоразм, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан 237 нафар спортчи иштирок этди.

Мусобақада 50 метрлик масофага эркин сузиш бўйича қизлар ўртасида тошкентлик У.Фадаева пешқадамлик қилган бўлса, ўсмирлар баҳсида эса Д.Кевхаянцга тенг келадигани топилмади.

Брасс сузиш бўйича 50 метрлик масофага ўтказилган беллашувларда фарғоналик Л.Люднева ғалаба қозонди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда эса Тошкент вилояти вакили – А.Цой биринчи ўринни эгаллади.

100 метрга баттерфляй сузиш бўйича биринчиликни И.Зарипова эгаллади. Ўсмирлар ўртасида эса юқори поғонани С.Панков забт этди.

200 метр масофага чалқанча ва комплекс сузиш бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик З.Мухамедшина барча рақибларини ортда қолдирди. Ўсмирлар орасида чалқанча сузиш бўйича биринчи ўрин А.Кончевга насиб этди. Комплекс сузиш бўйича эса тошкентлик А.Кириянов барча рақибларини ортда қолдирди.

### ЭШКАК ЭШИШ:



Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 1986-87 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлди. Унда 200 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда О.Шмелева 1000 метрга ўтказилган пойгаларда энг яхши кўрсаткични қайд этди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда эса биринчи ўринни чирчиқлик О.Берюков қўлга киритди.

500 метрлик масофага ўтказилган пойгада қизлардан чирчиқлик Е.Шубина ғалаба қозонган бўлса, ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Самарқанд вилояти вакили – В.Осокин марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

### ВОЛЕЙБОЛ:



Эркаклар ўртасида волейбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида барқарор ўйин кўрсатган Олмалиқ кон-металлургия комбинати волейболчилари олтин медаль тақдирини ҳал қилган учрашувда асосий рақиблари – "УЗИ-Сам-Телеком" жамоасини 3:0 ҳисобида енгиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин "УЗИ-Сам-Телеком" йигитларига насиб қилди.

Наманганнинг "Парвоз" жамоаси ўз фаолиятидаги биринчи бронза медалга эришди.

**(ЎзА).**

Ҳикоя

# СЕНИ ИЗЛАБ ҚАЙДАН ТОПАРМАН?



Ўша жума умр дафтаримга ҳаётимнинг энг қора куни бўлиб ёзилди. Пайшанба эрталаб ишга келсам, хонамдаги телефон кетма-кет жиринглаб қолди. Шошиб гўшакни кўтардим. Ундан: «Алло, Тошкентми, сиз билан Бухоро гаплашади», деган овоз эшитилди.

Кейин:

– Фарҳод ака, бу мен Малоҳатман. Танияпсизми? Дилдора марказий касалхонада ётибди. Аҳволи оғир. Тез етиб келинг. Сизни зудлик билан чақиришимни мендан илтимос қилди.

Нима гаплигини сўраб-суриштиргунча овоз узилди. Нега бунча шошилинч? Нега Малоҳат бу қадар ҳаяжонда? Демак, бир гап бор, Дилдоранинг дарди оғир. Ўша куниёқ сафарга отландим. Бир кун ўтиб, биринчи йўналиш билан Бухорога учдим.

Касалхонадаги учрашувни бош шифокор ҳузурига киришдан бошладим.

– Дилдора Ҳасанованинг кими бўласиз? – деб сўради у менга синчков тикилиб.

– Яқин таниши.

– Атайлаб Тошкентдан келибсиз, майли сизга олдига киришга рухсат бераман. Лекин айтиб қўяй, дарди оғир. Чарчатиб қўйманг.

Эшикдан киришим билан Дилдора сергак тортиб, қаддини кўтарди, тўзиб кетган сочларини қўли билан тез-тез тартибга келтирган бўлди. Бир зум унга термулганимча жим қолдим. Тавба, шундай гўзал, лобар аёлга нима бўлди? Мунча озиб-тўзиб кетмаса. Чиндан ҳам дарди оғирга ўхшайди.

Орадаги сукунатни Дилдора бузди.

– Келдингизми, кутавериб кўзларим тўрт бўлди-ку. Сизни кўрмай қоламанми деб, қўрққан эдим.

Ҳўнграб юбормасликдан ўзимни аранг тийиб, жимгина унга яқинлашдим-да, бармоқларидан тутдим.

– Нима бўлди, Дилдора?

Дилдора жавоб ўрнига қўлимни юзига босди.

– Кўргулик, – деди у оҳиста. Кейин бир қадар вазмин овоз билан деди:

Кўзим чиқсин сени
кўргунча мундоқ,
Кесилсин тил сени
сўргунча мундоқ.
Гулим англат бало
қайдан ёпишди,
Не савдолар азиз
бошингга тушди?

Ҳар гал мен билан тўқнаш келганингизда айтиладиган мана шу тўртликни худо бекорга ҳам дилингизга солмаган экан. Бугун чиндан ҳам оғир савдолар бошимга тушиб қолди, Фарҳод ака.

– У қандай савдо экан, сизни бунчалик қийнаган? Айтинг, чорасини топармиз ахир.

– Унинг чораси йўқ. Бу ҳал қилиб бўлмайдиган савдо. У — ўлим савдоси.

– Нима бўлди сизга Дилдора, тушунтиринг ахир?

– Инсон бардоши тош эмас, Фарҳод ака. Бу тизгинсиз ўйхаёллар ҳар кеча қалбимни кемириб, юрагимга зарпечак каби ёпирилиб борди. Ахир-оқибат ўз кучини кўрсатди шекилли-да. Йўқ. Кўнглингизга келмасин. Бунда сизни заррача гуноҳингиз йўқ. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Ниятим сизни сўнгги бор кўриш эди. Шукр, ниятимга етдим. Фарҳод ака, бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми?

– Айтинг.

– Сизнинг менга бўлган соф муҳаббатингизга иймоним комил. Лекин билиб қўйинг, барибир эркак кишининг севгиси беқарор бўлади. Аёл киши севса, чин дилдан, юракдан севади. Дардини ичига ютади. Уни ошкор этишдан қўрқади. Ҳатто уни шундай сирлигича ўзи билан бирга қабрга олиб кетади.

Меҳр билан айтилаётган бу сўзларни лоқайд тинглаб бўлмасди. У ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборарди. Ўзимни тутиб туролмадим. Кўзимга жиққа ёш келди.

– Қўйинг, йиғламанг, кўнглим баттар эзилади. Дунёда ҳеч қачон эркак киши йиғламасин. Тақдир мен шўр пешонани сиздай инсон билан учраштирганидан, сиздек олижаноб киши билан танишганимдан хурсандман. Ва ниҳоят, сизга севимли бўлиб, бутун қалбим билан севиб қолганимдан хурсандман. Мен бундай покиза севгини одамларга баралла айтишдан қўрқмайман. Бу инсоний соф муҳаббат олдида тиз чўкаман. Дилимдаги шу сўзлар армон бўлиб қолмаслиги учун сизни чақиртирдим.

– Раҳмат, Дилдора мени эслаганингиз учун раҳмат.

– Ахир, қандай эсламай сизни. Ўша ҳаяжонга бой бўлган онларни эсламай бўларканми? Ҳаммаси эсимда. Ўша дам олиш уйи, биринчи учрашув, ёқимли, самимий қарашлар. Танишув ва ниҳоят, ўша айвон, биринчи бўса. Ўшанда нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Бошим айланиб, кўзим тинди. Фақат бир нарса — сизнинг титроқ овозда: «Дилдора қўлингизни беринг», деганингиз эсимда. Шунда ўз ихтиёрим билан қўлимни тутдимми сизга ёки мажбурлаб ушладингизми, буниси менга қоронғу. Лекин ўзимни сизнинг оғушингизда кўриб қўрқиб кетдим. Яхшиямки, шу тобда ичкарида ўтирган Малоҳатнинг.. «Дилдор» деган овози эшитилди. Шу овоз бизни сергак тортирди. Бўлмаса, ўша алфозда туришимиз яна қанча давом этарди билмайман.

Кўнглимда қандайдир сархушлик ҳиссини сезсам-да, ўша кеча ўзимни лаънатлаб чиқдим. Нима қилиб қўйдим? Энди уйга борганда, эрим, болаларимнинг кўзига қай юз билан қарайман?

Эртасига бу қилмишингиз учун сизга аччиқ-куруқ сўз айтиб, орани очди қилмоқни дилимга жо қилиб қўйгандим. Бўлмади. Сизни кўришим билан яна хаёлларим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Шу тобда ўзим ҳам сизга қандайдир боғланиб қолганлигимни яна бир бор юракдан ҳис этдим.

Ҳар куни эрталаб яширинча сизни кузатардим. Ташқарига чиқиб, тўғридаги ўриндиққа ўтириб олиб, соатлаб ойнамизга термулиб ўтирардингиз. Илтижоли, болаларча мўлтиллаб туришингизни кўриб, сизга жуда-жуда раҳмим келарди. Шунда Малоҳат кулиб:

– Бечора рухсорингни бир кўришга зор-интизор бўлиб кетди-ку. Қийнамай, бир қиё боқиб қўяқол.

– Йўқ, – дердим мен алам билан. Лекин сиз томон учарга қанотим йўқ эди. Уни-буни баҳона қилиб, барибир чиқардим. Чидолмасдим.

Эсимда, оромгоҳда ўтадиган барча бадиий кечаларни сиз бошқарардингиз. Муҳаббат ҳақидаги шеърларингизни тинглаб, одамлар нигоҳидан қочиб қутулолмасдим. Улар наздида гўё бу шеърлар менга аталгандек эди.

Кунлар тобора бизни бир-биримизга узилмас ип сингари боғлаб борарди. Шундай бахтиёр дамларнинг бирида, ойдин тунда мени узоқ-узоқларга бошлаб кетдингиз. Бир вақт қарасам, чангтўзон шудгор оралаб боряпмиз. Вой, шундай таниқли одам нега мендек оддий ўқитувчи билан шудгор кезиб юрибди, уни бунга нима мажбур қилаяпти, дейман ўзимга ўзим.

– Қаёққа кетяпмиз? – сўрайман ўсмоқчилаб.

– Хўв, ўша дарахтнинг тагига борайлик, – дейсиз сиз ой нурида бўй-бастини намоён қилиб турган дарахтни кўрсатиб.

– Нима қиламиз у ерда? Ахир, суҳбатлашиш учун бошқа жой қуриб кетибдими?

– Бу ҳам бир кўнгил-да, – дейсиз кулиб. Манзилга етиб келгач, иккаламиз жим қолдик. Орадаги сукунатни фақат ҳансираган нафасларимиз бузарди. Менга тобора яқинлашиб келаётганлигингизни билиб турибман.

– Дилдора, – дедингиз қўлимдан тутиб. – Биласизми...

– Нимани?

– Сизни севиб қолдим.

– Мен ҳам...

Шу тобда қандайдир иссиқ ҳарорат аъзойи баданимни куйдириб ўтгандек бўлди. Сергак тортдим.

– Йўқ, – дедим мен кўкрагингиздан итариб. – Ўша кунги биргина бўсангиз бизни шунчалик бир-биримизга боғлаб қўйди. Иккинчиси ортиқча. Бунисини энди ҳазм қилолмаймиз. Ахир, ўртамизда бузилмас девор борлигини унутмаслигимиз керак. Уйда мени кутиб турган эрим, болаларим, сизнинг суюкли аёлингиз бор. Келинг, яхшиси севгимизни пок сақлайлик.

Дилдора ўз сўзларидан уялдими, чарчадими, ҳарқалай бир зум жим қолиб, кўзларини юмди. У айтса-айтмаса ўша хуш онлар эсимда. Уларни унутиб бўлармиди?

Дам олиш муддати тугаб, уйга қайтар кунларимиз яқинлашган сари «Энди нима қиламиз?», деган савол бизни бир зум тарк этмасди. Биз кутмаган ўша кун ниҳоят келди. Якка оёқ узун тор кўча бўйлаб бораркanмиз, бир-биримизга айтар гапларимиз кўп эсада, лекин иккаламиз жим эдик. Айрилиқ азоби бизга ҳеч қачон тинчлик бермаслигини билардик. Ҳарқалай мен ташаббусни қўлга олдим.

– Энди нима қиламиз, Дилдора?

– Билмасам, бошим қотди. Ҳеч ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

Ниҳоят, кўча охирлаб, узун зиналар бўйлаб пастда шовуллаб оқиб турган дарё бўйига тушиб бордик. Дил розимизни айтаётгандек ўзанига шошилаётган тўлқинларни жимгина кузатамиз. Улар ҳам бизнинг ҳолимизга ачингандек, бебошлик билан тинимсиз ўзини тошдан-тошга уради.

– Майли, – дединг охирида сен. – Бошимизда шундай кўргулик бор экан. Қисматимиз айро экан. Нима ҳам қилардик. Энг муҳими, бир-биримизни унутмасак бўлгани.

Кетар жафоси нақадар оғир кечди. Одамлар олдида ўсал бўлиб, бир-биримизни кузатмасликка аҳд қилдик. Мен кетиб боряпман. Икки кўзим сен мўлтираб, маъюсгина кўз ёш тўкиб турган айвонда. Йўқ, чидаб туролмадинг. Шитоб билан ичкарига кириб кетдинг. Худди шу тобда ичимдан бир нарса узилгандек бўлди. Қани энди, оёқларим олға босса. Оҳ, у кунларнинг азоби.

Ундан кейин ҳам сен билан бир неча бор учрашдик.

Дилдора оғир тин олиб кўзини очди. Кўзларимга тикилиб-тикилиб боқди. Унинг ғамзали қарашларида афсус-надоматни кўрдим.

– Охирги учрашувимиз эсингиздами?

– Ҳа, – дедим. Мен бошим билан тасдиқ ишорасини қилиб.

– Айтинг, ўшанда нима дегандим?

– Энди учрашмаймиз, девдинг.

Сиз: «Ундай дема Дилдора, наҳот самимий дийдорлашувимиздан ҳам мени бенасиб этсанг» – деган эдингиз ёлвориб. Тўғрисини айтсам, сиздан ажралиш менга оғир эди. Лекин шундай қилсак, бир-биримизни унутармиканмиз, деб ўйловдим. Кейин билсам, ўзимни ҳам, сизни ҳам алдаган эканман. Орадан ойлар ўтса-да, айрилиқ азобига чидаб яшадим. Охири бардошим тугади. Мана кўриб турибсиз, сизни яна чақиртирдим. Ҳеч бўлмаса, ўлимим олдидан сизни бир кўрай дедим. Сиздан ягона илтимосим — мени унутманг. Сизга яна бир гапни айтай. Бугун бор ҳақиқатни эримга ошкор қилмоқчиман. Ҳеч бўлмаса, у дунёга бадном бўлиб, армон билан эмас, очиқ юз билан кетай.

Шу тобда йўлакда қадам товушлари эшитилди. Дилдора қўлимни бўшатди. Ундан сал узоқлашдим. Хонага кирган барваста киши менга ҳам эътибор бермай сўради.

– Тузукмисан, Дилдора?

Шу одам Дилдоранинг эри эканлигига ҳеч шубҳам қолмади. Ҳозир хонада қаттиқ чақмоқ чақиладию, кучли момақалдироқ гумбурлаб, бутун оламни бузади.

– Адаси, – деди Дилдора мажолсизланиб.

Шундан сўнг гўё бундан бошқа гапга кучи етмайдигандек кўзини юмди. Нафасини ростлаб, узоқ жим қолди. Фозилжон (қаршимдаги эркакнинг исми шундай эди) хотини томон эгилди. Иссиқ нафасни туйиб, Дилдора кўзини очди. Фозилжон беихтиёр унинг пешонасидан ўпди. Гўё шундай қилса, бутун вужуди ҳис-ҳаяжондан ҳоли бўладигандек туюлди. Ўпди. Яна ўпди.

Дилдора дилидаги гапни айтса-айтмаса, эрига энди ҳаммаси аён эди. Фозилжон зўр ҳаяжон билан хотини қаршисида тиз чўкканча ҳайкалдек қотиб турар, тепасида уни кузатиб турган бегона кишининг ёқасига бургутдек ташланиб, чанг солгиси келар, лекин ўрнидан туришга ожиз, боши айланиб, кўзи тинарди.

– Дилдор, Дилдор.

Ким айтди-я бу сўзни. Манави гўрсўхтами? Ё кўзини очиб-юмгунча хотинининг тепасида гавжумлашиб қолган ҳамшираларми? Бундай ўзига келиб қараса, хотини кўзи очиқлигича оламдан ўтибди.

— Дилдор!!!

Алам ва ситам билан Фозилжон қалбидан отилиб чиққан бу сўз еру кўкни ларзага солди. У бошини оҳиста хотини бағрига қўйди.

— Мени нега ташлаб кетдинг, Дилдор?!

У шундай ҳолатда узоқ бехуш ётди. Кейин уни зўрлаб турғизишди. Фозилжон сал ўзига келиб, ҳамдардлик билдириб турганимни кўрди. У силтаниб қўлимдан бўшандию, эшик томон ўзини урди.

Эртасига дафн маросими бўлди. Унда мен ҳам қатнашдим. Шундай қилмасам, Дилдорани сўнгги йўлга кузатмасам, унинг бошига болиш сифатида бир сиқим тупроқни барча яқинлари қатори мен ҳам ташламасам, умрбод ўзимни кечиролмаслигимни юракдан ҳис этдим. Гарчи унинг оиласи, болалари сингари бел боғлаб, тобут олдига тушмасам-да, одамлар нигоҳидан қочиб бўлса-да, қанотидан айрилган қуш каби тобут теварагида бўғзимга тиқилиб келган аччиқ зардобни зўр-базўр ютиб, одамлар оқимига қўшилганча қабристон томон борардим. Дилимга қуйилиб келаётган сўзлар, афсус-надоматларни ташимга чиқармай, ичимга ютишга мажбур эдим. Кўнглим доғли, тилим боғлиқ эди.

Мурда лаҳадга қўйилиб, одамлар тарқагач, икки киши — Фозилжон ва мен беихтиёр қабр тепасида қаққайиб қолдик. У ҳам, мен ҳам жимгина қабр ёнига тиз чўкиб, билганимизча тиловат қилган бўлдик.

Қайтар эканмиз, у менга гап қотди.

— Сиз қандай одамсиз ўзи? Ҳеч бўлмаса, гўрида тинч қўйинг хотинимни.

У бу сўзларни қандайдир маъюс ва ҳамдардлик билан айтди. Шу ерда биз ажрашдик. Кетиб боряпману: «Акажон кечиринг, мендек чорасиз бир укангизни кечиринг. Худо шоҳид, йиллар давомида биз бир-биримизга дилдан боғланиб қолганимизни ҳис этсак-да, лекин кўнгил майлига эрк бермадик», деган сўзлар тилимдан учиб борарди.

Автобекатга қандай келиб қолганимни билмайман. Рўпарамда Бухоро — Тошкент автобуси турибди. Унга чипта олиб, бир алфозда машинага чиқдим. Ўз ўрнимга жойлашиб ўтириб олдим. Лекин Бухорони, унинг заминини ҳеч тарк этгим келмасди. Агар ҳозир жўнаб кетсам, қалбимда қандайдир армон қолиб кетаётгандек эди. Бу армон Дилдор эди. У билан тузук-қуруқ хайрлашмаганим эди.

Нафасим тиқилиб автобусдан тушдим. Оёқларим беихтиёр яна қабристон томон бошлаб кетди. Қанча йўлни пиёда босиб, гоҳ югуриб, гоҳ ҳаллослаб яна ўша манзилга етиб келдим. Айни шу дамда эрталабдан бери тунд осмон кўз ёши тўкиб юборди. Ёмғир савалаб берди. Йирик томчилар янгигина дўппайган қабрнинг юмшоқ тупроғини ювиб борарди. Бир алфозда қабр тепасига тиз чўкдим.

Муҳаббатим, қайдасан,
қалб ардоғим,
Жайронкўзим, тоғларда
қолган оҳим.
Қўлим тегмай тўкилган
қизғалдоғим,
Энди сени излаб қайдан
топарман?

Эшитяпсанми Дилдор, мен яна келдим. Ҳали тупроғинг совумай туриб сени соғиниб, сени кўргани келдим. Эсингдами, ўшанда ана шу шеърни қайта-қайта ўқишимни сўрардинг. Қўй, дердим-у илтимосингни рад этолмай, уни ўқишда давом этардим.

Агар келсанг, йўлингга
гул тўшардим,
Сен Лайлига, мен
Мажнунга ўхшардим.
Бу дунёда ҳижрон йўқ
деб яшардим,
Энди сени излаб
қайдан топарман?

Бугун эса чиндан ҳам изларингга зор-зор қилиб кетдинг-ку. Наҳот қисматимиз шундай бўлишини олдиндан билган бўлсанг?

Сен қалбим ардоғи эдинг. Кўриб кўзларимга ишонмайман. Беозор, дилкаш, фариштамисол сендай соҳибжамол бугун бир уюм тупроқ ичра қорилиб ётганига ҳеч ишонгим келмайди. Бундай оғир мусибатга қайси инсон зоти чидабдики, мен чидай? Сени дилбар, оҳанграбодек ўзига ром этувчи ширин сўзларингни қандай унутай жоним? Япроқ мисол титроқ қалбларимизга чўғ солган ўша лаззатли онлар шу қадар қисқамиди? Бир зумда қуш каби учсаю-кетса.

Куну тун сайр қилиб чарчамасдик. Бир-биримизни тинглашга ошиқардик. Сўз, сўз, сўз... Қайдан хаёлимизга ёғилиб келардия улар? Гапларимиз шу қадар кўп, муҳим эдики, бирини айтсак, иккинчиси қолиб кетгандек. Йўқ, қанчалик шошилмайлик, барибир дил розимизни айтиб улгурмадик. Афсус, юрагимизни чўғ каби куйдириб ўтган қанча-қанча дардларимиз тилимизга чиқмай қолиб кетди-я. Уларни айтишга орият кучлилик қилди.

Бугун ўйланаман, ўйланаман. Наҳот ўша илтижоли, маъюс ва маъсума қарашлар энди бир умр армонга айланиб қолган бўлса. Дилдор, азизам, мунисам, нима бўлса-да барибир мен сендан миннатдорман. Сен илҳом париси бўлиб, хаёлимга кирдинг. Ижод бўстонимга туганмас мавзу топиб бердинг. Муҳаббат аталмиш нурафшон, гўзал боғга қайта етакладинг. Сен менга севиш, севилишни, унинг қадрига етишни ўргатдинг. Муҳаббатнинг сеҳри мен ўйлаганимдан ҳам кучлироқ эканини сен туфайли англаб етдим.

Азизам, мени кечир. Бемаврид, беижозат қалбингга кириб, ундан бир дона гул узганим учун мени кечир. Худо менга қанчалик умр берган билмайман, лекин сен ҳамиша менинг ёдимдасан, қалбимдасан, ишон. Сени эсламай ўтган ҳаётимнинг бир куни мен учун ҳаром.

Хайр азизам, мен кетдим. Айни баҳор фасли булутлар тарқаб қуёш чарақлаганда, табиат яшил тусга кириб, ёруғ оламга ёркин нур бағишлаганда бир қучоқ гул билан яна ёнингга қайтаман. Қабринг нурга тўлсин, Дилдорим...

Шу тобда ўша сен яхши кўрган шеърни яна бир бор такрорлагим келди. Зора, дилўртар бу сатрлар сенинг безовта руҳингга бир қадар ором бағишласа...

Тушларимда йиғларман
гоҳ бағрим қон,
Оҳларимдан дуд чиқиб
осмон-осмон.
Сен менгаю, менга сен
бўлдик армон,
Энди сени излаб қайдан
топарман?
Хайр азизам, мен кетдим...

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

## Шундан кейин

### САБРНИ ҚАРАНГ



Лотереядан чиққан ютуғини бир йилгача олишга шошилмаган Канада фуқароси энг сабрли одам деб топилди. У жами 30 миллион Канада доллари (23 миллион АҚШ доллари) ютганидан хабар топгач, бундай вазиятда шошилиш ярамайди, деган қарорга келди ва омад туфайли ўзи эришган бу пулларни олгунча орадан бир йил ўтди. Матбуот хабарларига кўра, бу орада канадалик мазкур кимса ўз ҳаётини тубдан ўзгартириш борасида обдон режа ҳам тузиб қўйган.

### КЎРШАПАЛАК ҚУРБОНЛАРИ

Бразилиянинг Пара деб номланувчи чекка вилоятларидан биридаги шаҳарда қутириш хасталигига чалинган қонхўр кўршапалаклар ўн уч киши ҳаётига зомин бўлишди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборотига кўра, 2 мартдан бошлаб Амазонкадаги Марахо ороли яқинидаги Портель шаҳри ҳудудида кўршапалаклар тахминан 300 кишига ҳамла қилган. «Барча хасталик ҳоллари ана шу қанотли қонхўрлар хуружидан сўнг пайдо бўлган», – дейилади вазирлик ахборотида.

### ТАСОДИФИЙ ТОПИЛМА

Иоганн Себастьян Бахнинг бундан саксон йил муқаддам йўқолган «Тўй кантатаси 216» партитураси Японияда топилди. У 2001 йилда вафот этган япон пианиночиси Чиеко Хара қоғозлари орасидан чиқди. Тадқиқотчилар Хара мазкур асарни эри – испаниялик виолончелчи Гаспар Кассадодан олган бўлиши мумкин деб тахмин қилишмоқда. Чунки, бу мусиқачи Мендельсоннинг авлоди – мазкур манускриптнинг сўнгги соҳиби билан яқин таниш эди.

### АЛДАНГАН СЕМИЗЛАР



Американинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва дорилар бошқармаси (FDA) ортиқча вазндан халос этувчи воситаларни реклама қилаётган 16 та веб-сайтлар таҳририятига огоҳлантириш жўнатди. Мазкур таҳририятлар маълумотномаларида ҳеч қандай парҳезсиз, фақат овқатланишдан ўзни тийган ҳолда бемалол озиш мумкин дея таъкидланади. FDAнинг фикрича, бундай таъкидлар узоқ пайтдан бери тош ташлашга интилаётган одамларда асоссиз умид туғдириши ва уларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тошкент давлат маданият техникуми хореография факультети томонидан 2001 йилда Гулбоҳор Илхомовна Бекмуродова номига берилган 415761 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Паркент тумани ҳокимлиги жамоаси Ўзбекистон Қаҳрамони, «Заркент» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси **Тожибой РИЗАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси газета ходими Зилола Салимовага укаси **ФАХРИДДИНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* *Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.*

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-550. Адади 6437. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205.* Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20. 1 2 3 4 5